

Biz bundan buyon ham uzoq-yaqindagi barcha xorijiy mamlakatlar, jahon hamjamiyati bilan samarali hamkorligimizni davom ettiramiz. Bu borada ochiq, do'stona va pragmatik siyosat olib borish tamoyiliga sodiq qolamiz.

Shavkat MIRZIYOYEV



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI QIRGIZISTON RESPUBLIKASI, ARMANISTON RESPUBLIKASI VA OZARBAIJON RESPUBLIKASI DELEGATSIYALARI RAHBARLARINI QABUL QILDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь кuni МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этган Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов, Арманистон Бош вазири Карен Карапетян ҳамда Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёкуб Эюбов билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов билан мулоқотда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп қиррали алоқалар жадал ривожланаётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Сўнги ойлarda бўлиб ўтган олий даражадаги ўзаро ташрифлар ва уларнинг самаралари икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик босқичига кўтарди.

Қабул қилинган қарор ва эришилган келишувларнинг кенг миқёсда амалга оширилишини таъминлаш масаласи, товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперацияни ривожлантириш истиқ-

боллари муҳокама қилинди.

Арманистон Бош вазири Карен Карапетян билан учрашувда ўзаро алоқаларнинг мавжуд салоҳияти ва кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг самарали фаолиятини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёкуб Эюбов билан Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги савдо, энерге-

тика, транспорт ва транзит соҳалари, шунингдек, бошқа устувор йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Қутилаётган олий даражадаги икки томонлама учрашувларнинг иқтисодий кун тартибини пухта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғизистон, Арманистон ва Озарбайжон ҳукуматлари раҳбарлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва ўз давлатлари раҳбарларининг эзгу тилақларини этказди.

Икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни янги аниқ мазмун билан бойитиш йўлидаги фаол ҳамкорликдан томонлар манфаатдор экани таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партиясининг 19-съезди муваффақиятли якунлангани ва Хитой Коммунистик партияси Марказий Кўмитаси Бош қотиби лавозимига қайта сайлангани муносабати билан табрик-лаб йўлаган мактубингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сўнги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Хитой — Ўзбекистон муносабатлари жадал фаоллашгани ва самимийлик, ишонч ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан мамнунман. Мамлакатларимиз олий даражадаги мустаҳкам алоқалар тарафдоридир, сиёсий ишонч асосида «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда, қатор йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу эса халқларимизга бирдек фойда келтирмоқда. Жорий йилнинг май ва июнь ойларида Сиз билан Пекин ва Остона шаҳарларида икки марта учрашдик. Бунинг натижасида икки томонлама муносабатлар ва узоқ соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича салмоқли келишувларга эришилди.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдаман. Бундан буён ҳам Сиз билан биргаликда ўзаро муносабатларимизни Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик руҳида ривожлантириш, янги тарихий даврда халқларимиз ва бутун инсоният фаровонлиги йўлида барқарор ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиётга эришиш учун янги имкониятларни ишга солишга тайёрман!

**Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси
Коммунистик партияси Марказий
Кўмитаси Бош қотиби**

ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕГЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 ноябрь кuni хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимизда хунармандлик азалдан яхши ривожланган. Болалиқдан хунар ўрганиш, яратган маҳсулотни ва меҳнати билан одамларга наф келтириш халқимизнинг миллий қадриятига айланган. Хунар турлари асрлар давомида кенгайиб, янги йўналишлар ва мактаблар билан бойиб борган. Маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда хунармандликнинг 34 тури мавжуд.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлида яратилган имкониятлар самарасида хунармандлик раванқига кенг йўл очилди. Республика «Хунарманд» уюшмаси, жойларда эса унинг бўлимлари ташкил этилди. Бир пайтлар уста ва хунармандлар ўзлари яратган буюмларни сотиш, намойиш этишда турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун ҳар бир туман ва шаҳарда хунармандлар марказлари фаолият юритмоқда, бозорлар ва савдо мажмуаларида махсус савдо расталари ташкил этилган.

Хунармандлик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сулолалар фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Улар «устоз-шогирд» аънъанаси асосида ёш авлодга ўргатилмоқда.

Хунармандлик харидорнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш, халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда.)

МДХ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 3 ноябрь кuni Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис ҳукуматлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Арманистон Бош вазири Карен Карапетян, Беларусь Бош вазири Андрей Кобяков, Қозғистон Бош вазири Бақитжан Сагинтаев, Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов, Россия Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода, Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов, Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёкуб Эюбов, Туркменистон Вазирилар Маҳкамаси раиси ўрин-

босари Эсенмурат Оразгелдиев, Молдованинг МДХ устаси доирасидаги ва бошқа органлари ҳузуридаги мухтор вакили Виктор Сороган иштирок этди. Мажлисида МДХ Ижроия кўмитаси раиси — Ижрочи қотиби Сергей Лебедев ҳам қатнашди. Ҳукумат раҳбарлари Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашди.

МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши Ҳамдўстлик мамлакатлари ижро ҳокимиятларининг иқтисодий-ижтимоий

соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи органидир.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг топшириқларини амалга оширади, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш ва уларни молиялаштириш бўйича қўшма дастурлар қабул қилади. Бундан ташқари, транспорт, алоқа ва энергетика тизимларини ривожлантириш, тариф, кредит-молия ва солиқ сиёсатида оид масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш, илмий-технологик маконни яраттишга қаратилган механизмларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

(Давоми 2-бетда.)

Садоқат ва вафо кўйчиларига эҳтиром

Жиззах шаҳрида халқимизнинг ардоқли фарзандлари, улкан шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 5-бетда.)



2017-yil 4-noyabr, № 88 (9049)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қарори****ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ
ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бунга устувор йўналиши бўйича Ҳарақатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2017–2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича қўйидагиларни ўз ичига олувчи комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) тасдиқлансин:

2017–2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

2018–2021 йилларда Дастурни амалга ошириш молиявий ҳаражатларнинг ҳисоб-китоб ҳажмлари параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2018–2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастури 3-иловага мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли идоралар ўзларининг тасарруфидаги илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда ҳар йили 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодийёт вазирлиги билан келишилган ҳолда:

а) тасарруфидаги ҳар бир илмий-тадқиқот муассасасининг келгуси календарь йилда реконструкция қилиниши ёки капитал таъмирланиши лозим бўлган бино ва хоналарини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш бўйича техник вазифаларни; келгуси календарь йилда жиҳозланиши лозим бўлган тасарруфидаги илмий-тадқиқот муассасаларини жиҳозлаш учун уларнинг илмий ва лаборатория ускуналарига бўлган эҳтиёжини асосланган ҳолда таснифлагичлар ишлаб чиқишлиши таъминласин;

б) техник вазифалар ва таснифлагичлар асосида илмий-тадқиқот муассасаларининг бино ва хоналарини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни замонавий илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун маблағ ажратиш бўйича бюртманомаларни шакллантириш ҳақда уларни Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигига тақдим этсин.

3. Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси (А.Н.Арипов):

а) илмий-тадқиқот муассасаларининг асосланган бюртманомалари асосида ишлаб чиқилган Фан ва технологиялар агентлигининг таклифлари бўйича молиявий ҳаражатларнинг умумий тасдиқланган параметрлари доирасида ҳар йили:

илмий-тадқиқот муассасаларини таъмирлаш – қайта тиклаш ишларининг манзилли рўйхатларини;

ҳар бир илмий-тадқиқот муассасасининг моддий-техника таъминотини ҳисобга олган ҳолда, илмий лабораторияларни замонавий илмий ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, бутловчи қисмлар, зарур материаллар ва реактивлар билан улуксиз таъминлаш бўйича манзилли рўйхатларни тасдиқласин;

б) Дастур бажарилишининг тизим-

ли мониторингини олиб борсин ва ҳар ярим йил ҳамда йил якунлари бўйича унинг бажарилиши натижаларини Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқиш учун киритсин.

4. Дастурни молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси илмий-тадқиқот муассасаларининг бинолари ва корпусларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда идоравий мансублиги бўйича тегишли ташкилотларнинг ўз маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги илмий-тадқиқот муассасаларини бинолари ва корпусларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда тегишли ташкилотларнинг ўз маблағлари;

илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий лабораторияларини замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, зарур материаллар ва бутловчи қисмлар билан улуксиз таъминлаш, ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий марказларда қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш учун – Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатларнинг кредит ва грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларини офис ва лаборатория мебели билан жиҳозлаш учун – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари объектларини сотишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатларнинг кредит ва грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасаларини офис ва лаборатория мебели билан жиҳозлаш учун – тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бошқа муассасаларининг ўз маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатларнинг грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари объектларини сотишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича уларни офис ҳамда

лаборатория мебели билан жиҳозлаш учун тегишли илмий-тадқиқот муассасаларида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг ажратилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2018 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг асосланган таклифлари бўйича, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ Дастурда кўзда тутилган объектларни реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш учун капитал маблағлар лимитларини назарда тутсин.

6. Дастурда кўзда тутилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш доирасида: «Inkom kapital qurilish» инжиниринг компанияси – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси объектлари бўйича бюртмачи; «Сувқурилишнинг» ДУК – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси объектлари бўйича бюртмачи;

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона бюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси объектлари бўйича бюртмачи; «Ўрмонлоийҳа» ДУК – Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси объектлари бўйича бюртмачи;

танлов савдолари натижалари бўйича ташкилотлар – бош лойиҳачи ва пудратчи этиб белгилансин.

7. Бюртмачилар лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартиб ва муддатларда ишлаб чиқишлишини, ваколатли давлат экспертиза органларида кўриб чиқилиши ва келишиб олиннишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Дастурни амалга ошириш доирасида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

8. Дастурни амалга оширишда шахсий жавобгарлик:

тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг бино ва хоналарини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда уларни замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, бутловчи қисмлар, зарур материаллар ва реактивлар билан таъминлаш бўйича барча ишларнинг сифати ва ўз муддатида бажарилиши юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Ж.Раматов зиммасига;

назарда тутилган барча тадбирларнинг, шу жумладан, илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли бино ва хоналарини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, бутловчи қисмлар, зарур материаллар ва реактивлар билан таъминлаш ишларининг ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда молиялаштирилиши юзасидан – Ўзбекис-

тон Республикаси молия вазири Б.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

9. Фан ва технологиялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, тасарруфида илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссиясига Республика иқтисодиёти тармоқларининг аниқ муаммоларини ҳал қилиш, рақобатбардош, илмий ҳажмдор маҳаллий махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган, қўйидагиларни назарда тутувчи 2018–2022 йилларда Давлат комплекс мақсадли илмий-тадқиқот дастурлари концепциясини киритсин:

фундаментал, амалий илмий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини – Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигига давлат илмий-техника дастурларини молиялаштириш учун бюджетдан ҳар йили ажратиладиган маблағлар, манфаатдор ҳўжалик юритувчи субъектлар маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлар ва донор-мамлакатлар грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириш;

ҳўжалик юритувчи субъектларнинг илмий тадқиқотларни молиялаштириш, тажриба-тадқиқот ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, илмий-техник ишланмалар натижаларини амалиётга жорий этишдан манфаатдорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари.

10. Белгилаб қўйилсинки: давлат илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига (илмий ходимлардан ташқари) бюджет ташкилотлари ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш шартлари жорий этилади;

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб вазирлик ва идораларнинг гуманитар ва бошқа ижтимоий аҳамиятта эга давлат илмий-тадқиқот муассасалари бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг айрим тоифадаги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳаражатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш асосида амалга оширилади;

базавий молиялаштириш субъектлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг Молия вазирлиги билан келишилган таклифларига биноан Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти****Ш.МИРЗИЁЕВ**Тошкент шаҳри,
2017 йил 1 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада mustaqamlash va innovatsion faoliyatini rivojlantirish chora-tadbirlari tўғrisida»gi qaroriga sharh

Мамлакатимиз раҳбарининг академиклар ва илм-фан зиёлилари билан 2016 йилнинг декабрида ўтказган учрашуви, шунингдек, 2017 йил 17 февралда «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли қарорининг қабул қилиниши республикада илмий-техник фаолиятни ривожлантиришда кенг қўламдаги тизимли ўзгаришларни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган 35 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 та фармони ва 8 та қарори қабул қилинди. Фанлар академияси таркибидagi 9 та илмий-тадқиқот институти қайта тикланди, қатор илмий муассасалар қайта тузилди, Фанлар академиясининг фан йўналишлари бўйича 3 та бўлими ва Навоий бўлими ташкил этилди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши, Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси, Фан ва технологиялар агентлиги, Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси фаолият ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янги ҳақиқий аъзолари (академикларининг сайлови бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда).

Илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Олий таълим ва

илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий лаборатория ва кафедралари, илмий кенгашлари, вазирилик ва идоралар, турли даражадаги эксперт ва илмий-техника кенгашларидан иборат кўп тармоқли илмий-ташкилий инфратузилма фаолият олиб бормоқда.

Бу ишларнинг барчаси 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалдаги ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари сиёсатида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институти ҳузурда ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопарклари ташкил этиш белгиланган.

Шу билан бир қаторда, сир эмаски, илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-техник салоҳияти, кадрлар билан таъминланганлиги, моддий-техника, лаборатория ва тажриба базасининг ҳозирги ҳолати мамлакатимизнинг юқори суратлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига жавоб бермайди. Ватанимиз илм-фани рақобатбардошлигини ошириш ва уни дунёнинг энг ривожланган давлатлари илм-фани даражасига мослигини таъминлаш масалалари кескинлигини сақлаб қолмоқда. Илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини молиялаштириш тизимида ҳал қилиниши лозим бўлган айрим муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Ушбу соҳада тўпланиб қол-

ган муаммоларни ҳал қилиш, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техника ва лаборатория-тажриба базасини мустаҳкамлаш, инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан фан ва инновация соҳасида 6 та устувор йўналиш бўйича 40 дан зиёд тадбирларни ўз ичига олган **2017–2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури** тасдиқланди.

Иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш учун зарур шароитларни таъминлаш мақсадида, докторантурада ўқиш учун мақсадли квоталарни ажратиб амалиётини жорий қилиш чоралари назарда тутилган ҳамда илмий кадрларнинг академик мобиллигини ошириш ва уларнинг илмий ютуқларини қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш белгиланган.

Шунингдек, илмий фаолият ҳамда таълим жараёни интеграциялашувини янада чуқурлаштириш бўйича мақсадли чораларни амалга ошириш, бунда илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ҳодим ва мутахассисларини олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига кенг жалб қилиш, магистрик диссертацияларнинг дастлабки ҳимоясини амалиёт ўталган муассасаларда ўтказиш тартибини

жорий этиш кўзда тутилган.

Амалий чораларнинг яна бир муҳим йўналиши, республика илмий муассасаларида олиб борилаётган тадқиқотлар савиясини юксалтиришга, уларни халқаро таълабларга кўра илмий халқаро базалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Илмий-тадқиқот муассасаларида мавжуд ҳамда янги тузилган илмий лабораториялар илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан илмий ва лаборатория ускуналаридан биргаликда фойдаланиш механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Лицензион келишувлар бўйича илмий ва инновацион ишланмаларнинг тижоратлашув жараёنларини фаоллаштириш мақсадида, илмий ва инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг патент-лицензион фаолиятини такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектларига муаллифлик қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш чоралари белгиланган.

Қарорга мувофиқ 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб гуманитар ва бошқа ихтисосий аҳамиятга эга илмий-тадқиқот муассасаларининг бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг айрим тоифадаги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харajatларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш асосида амалга оширилди.

Мазкур қарор режалаштирилган тадбирлар доирасида 30 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаларида таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари, 40 та илмий-тадқиқот

муассасасини замонавий илмий лабораториялар, асбоб-усkunalar ва жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилган. Бунда, лабораторияларни сарфланувчи материаллар ва реактивлар билан узлуксиз таъминлашга сарфланадиган харajatлар алоҳида назарда тутилган.

Умумий қийматда, 2018–2021 йилларда Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, Урмон ҳўжалиги давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирилик илмий-тадқиқот муассасалари бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 116 миллиард сўмдан зиёд, замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, зарур материаллар ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш учун 32,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Юқорида қайд этиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакатимиз илм-фани ва иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлидаги тизимли қадамларнинг мантиқий давоми бўлиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муваффақиятли ижросига хизмат қилади.

Мазкур дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши илмий-тадқиқот муассасалари имкониятларини салмоқли даражада кенгайтириш, улар бажараётган тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар даражаси ва сифатини ошириш имконини беради ва пировард натижада, мамлакатимиз илмий-технологик салоҳиятини янада мустаҳкамлайди.

Халқаро гроссмейтер Нодирбек Абдусатторовга Президентимиз совғаси топширилди

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, ёш халқаро гроссмейстер Нодирбек Абдусатторовга Президентимиз совғаси топширилди. Шу муносабат билан Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабидида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Қурбонов ва бошқалар болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишига кенг имконият яратиш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзга чиқаришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасида юртимиз ёшлари жаҳон спорт ареналарида юксак натижаларга эришаётганини алоҳида таъкидлади.

Ёш шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов эришаётган натижалар бунинг яққол тасдиғидир. Нодирбек 2011 йили икки йиллик мусобақа — Ҳиндистонда мактаб ўқувчиларининг Осиё чемпионатида олтин ва Филиппинда ўсмирлар

ўртасидаги қитъа биринчилигида бронза медални қўлга киритган. 2012 йил Словениянинг Марибор шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган, Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасидаги VIII Осиё чемпионатининг рапид — тезкор шахмат баҳсларида кумуш медаль билан тақдирланган.

2014 йили пойтахтимизда ўтказилган шахмат бўйича Осиё чемпионатида Нодирбек Абдусатторов ўн ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган, блиц турнирда эса кумуш медални қўлга киритган. Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича 8–18 ёшли

ўғил-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган.

2016 йили Россиянинг Сочи шаҳри мезбонлик қилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккита олтин медалга сазовор бўлган. 2016–2017 йилларда Россия ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, халқаро гроссмейстер талабини бажарган.

— Фарзандимнинг бундай улкан ютуқларга эришаётгани мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган улкан эътибор туфайлидир, — дейди Нодирбекнинг отаси Фазлидин Очилов. — Унинг халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарофати муносиб ҳимоя қилиб, юртимиз ёшлари истеъдод ва салоҳият бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч



қачон кам бўлмаслигини исботлаётганидан фахрланаман.

Жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейтер Нодирбек Абдусатторов Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий ноутбук билан тақдирланди.

— Президентимизнинг биз, ёшларга билдираётган юксак ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз, — дейди Нодирбек Абдусатторов. — Бу ишонч бизга келажакда янада юксак марраларни эгаллашга куч-ғайрат бағишлайди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА муҳбири

2017-yil 4-noyabr, № 88 (9049)

Садоқат ва вафо куйчиларига эҳтиром

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндalари, ёзувчи-шоирлар, Ҳамид Олимжон ва Зулфия авлодлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмаси раиси С.Ҳакимов, адабиётшунос И.Фахруров ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, икки ардоқли шоир номи билан аталган ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат, музей миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган халқимизнинг суюкли фарзандлари хотирасига кўрсатилган алоҳида эҳтиром ифодаси эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг сайловотида дастурида ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, Ҳамид Олимжон ва Зулфия адабий меросини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод онгида ватанварлик туйғусини юксалтириш, бадиий адабиётга қизиқишини ошириш, китобхонлик

маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш гоёси илгари сурилган эди. Бу борада ўтган вақт мобайнида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз жорий йил 27 апрель куни Жиззах вилоятига ташрифи чоғида адабиётимизнинг улкан намояндalари Ҳамид Олимжон ва Зулфиyaning адабий меросини кенг тарғиб қилиш, шеърларига жо бўлган эзгу тушунчалар моҳиятини ёш авлодга етказиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Адабиётимизга қаратилган эътиборнинг ёрқин намунаси сифатида халқимизнинг ардоқли шоирлари Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодига, адабий меросига, улар шахсига бўлган юксак эътибордан барчамиз миннатдоримиз, — деди «Ёшлик» журнали бош муҳаррири Нодир Жонузоқ. — Бу хайрли ишлар адабиётимизнинг қадри юксак эканидан, ижодкорлар меҳнати завоқ топмаслигидан далolat. Ўз навбатида, биз, ижодкорлар бундан янада илҳомланамиз, бор истеъдодимизни Ватанимиз равнақи, халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлидаги амалий ишларга бағишлаймиз.

Ҳамид Олимжон ва Зулфиyaning аҳил ҳаёти, бу икки улкан ижодкорнинг бир-бирига бўлган сеvgи ва сadoқати бугунги кунда ҳам

ёшларимиз учун ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур мажмуанинг барпо этилиши бугун халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан қутиб олинди.

— Бугун ўзбек адабиётининг катта байрами. Ардоқли шоирларимизнинг руҳлари ҳамиша уйғoқ бўлган бизнинг хонадонимизда ҳам шодийена, — дейди Ҳамид Олимжоннинг невараси Лола Муҳиддинова. — Ўз шоирларини қадрлаган халқ — улугдир, дер эди Зулфия аямиз. Бугун барчамиз бу икки ижодкорга халқ муҳаббати, эътирофи ва эҳтирмининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу қутлуг ишга бошқoш бўлган Президентимизга оиламизнинг ёши улуглари, навқирон авлодлари номидан миннатдорлик билдирамыз. Ишонамызки, бу ёдгорлик мажмуаси ҳамиша адабиёт ихлосмандлари билан гавжум бўлади.

Турли қийинчилик ва машаққатлар, ҳижрон азобларига қарамасдан, оғир синовлардан ёруғ юз билан ўтган, чинакам вафо ва сadoқат намунасини кўрсатиб, халқимизга хос инсонийлик, сабр-бардош ва меҳр-оқибат фазилатларига доимо амал қилиб, бу туйғуларни юксак пардаларда тараннум этиб яшаган улуг ижодкорларнинг бу гўзал ёдгорлиги ўзининг чуқур ҳаётий фалсафаси ва теран бадиий мазмуни билан юрт-



Т.МАМАДАМИНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

дошларимиз, айниқса, ёш авлодимиз учун сеvgи ва вафо, эзгулик ва эл-юртга фидойилик тимсоли бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов фармони билан мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Бу мукофот Зулфиyaning номининг ибратли етук ёшларни тарбиялашга юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги «Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитиш-

га ихтисослаштирилган мактаб-интернат учун 4 қаватли замонавий бино куриб битказилди. Бинода кенг ва ёруғ синфхоналардан ташқари 100 ўринли ётоқхона ва ошхона, фойдаланувчи зал ҳамда бошқа хоналар бор.

Истеъдодли ҳайкалтарошлар Тўлаган Тожиҳўжаев ва Тўлаган Ёркулов томонидан яратилган ёдгорлик мажмуаси бу ерга ташриф буюрган юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг маънавий олами-ни юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшади.

Шу куни ёдгорлик пойи турфа гулларга бурканди. Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Э.Солиев иштирок этди.

Улугбек АСРОПОВ,
ЎЗА мухбири

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги якунланди

Мамлакатимизда бугунги кунда 12 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасаси бўлиб, уларда 29 мингга яқин ходим фаолият кўрсатмоқда.



Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиб бораётгани кутубхоналар фаолиятини бугунги кун талабларига мос равишда такомиллаштиришни талаб этмоқда. Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали олиб бориш, барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш, мумтоз ҳақон ва ўзбек ада-

биёти асарлари, қадимий қўлёзмаларнинг рақамли нусхаларини яратиш, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва ўқув муассасалари кутубхоналарининг моддий-техник базаларини янада мустаҳкамлаш, фойдаланувчиларга масофадан туриб хизмат кўрсатишни такомиллаштириш соҳа олдида турган долзарб вазифалардир.

Президентимизнинг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий иш-



О.ҲУЛОМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

лар самардорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги, 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари доирасида ташкил этилган «Infolib — 2017» VI Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигида «Очиқ эшиклар», «Мутахассис», «Ижод ва танловлар», «Билимлар ва хорижий тиллар» каби тадбирлар, учрашувлар, анжуманлар ўтказилди. Ўқув-семинарларда соҳа мутахассисларига ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштириш, қўлёзмалар ва нодир нашрлар билан ишлаш, фойдаланувчиларга виртуал хизмат кўрсатиш, илмий-таълимий маълу-

мотлар базасидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмалар берилди.

Ҳафталик доирасида «Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси — 2017» танловининг мамлакат босқичи ўтказилиб, соҳанинг илғор вакиллари иш тажрибалари оммалаштирилди.

Ҳафталик «Маданий ранг-баранглик» куни билан якунланди. Тадбир доирасида халқ чолгу асбобларини ясаш, япон анъанавий санъати бўйича маҳорат дарслари, «Шекспир фестивали» театрлаштирилган кўргазмаси, Республика эстрада-цирк колледжи ўқувчилари иштирокида концерт намойиш этилди. «Infolib — 2017» якунлари сарҳисоб қилиниб, энг фаол иштирокчилар тақдирланди.

Малоҳат ҲУСАНОВА,
ЎЗА мухбири

2017-yil 4-noyabr, № 88 (9049)

Халқимизда ёзнинг бир куни қишни боқади, деган гап бор. Бу ёз мавсумини бекор ўтказма, совуқ кунларга пухта ҳозирлик кўр, қорли-қировли кунлар келганда икки оёғинг бир этикка тикилиб қолмасин, деганидир. Бунинг яхши англаган ақсарият таълим муассасаларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари сифатли якунланмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 22 шондаги “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017-2018 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашига комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ёзнинг бир куни қишни боқади

Афсуски, куз-қиш мавсумига ҳозирлик ишлари айрим ҳудудларда ҳалигача ўз якунига етмаган. Жумладан, Булоқбоши туманида 1900 тонна (1056 тонна кўмир ва 844 тонна брикет) ёқилги захирасини яратиш кўзда тутилган бўлса-да, ҳозиргача 597 тонна кўмир ва 514 тонна брикет жамғарилган ҳолос. Худудда жойлашган 5-мактабдаги вазият янада аянчли. Муассасанинг куз-қиш

ми, электр энергияси таъминоти масалалари мутасаддилар эътиборидан четда. Ахир қайси ота-она фарзандини шундай шартшароитдаги боғчага беришни хоҳлайди! МТМ мудариси Дунёхон Тўйчиевнинг айтишича, янги боғча қуриш дастурга кирилган, яқин кунларда қурилиш ишлари бошланади.

Тумандаги 8-мактабнинг хўжалик ишлари мудир

кет эса кўмир кукунига жипсловчи моддалар қўшиш орқали тайёрланади. Брикет кўмирдан қиммат: бир килограмм кўмир баҳоси 156 сўм 60 тиён, брикетнинг нархи 238 сўм. Шу кунгача туман халқ таълими муассасалари томонидан харид қилинган кўмир ва брикетнинг нархидаги тафовутни таҳлил қилсак, таълим муассасалари қанча зарар кўргани ойдинлашади.

Мисол учун, 597 тонна


ги режага қўшимча тарзда 215

та таълим муассасасидаги 525 та қозонхона алмаштириш учун маблағ ажратилган бўлиб, қолган 22 та иситиш қозонларини ўрнатиш октябрь ойи охиригача якунланиши кўзда тутилган.

Мавсум учун вилоятдаги барча таълим муассасаларига жами 40900 тонна (шундан 22753 тонна кўмир ва 18147 тонна брикет)

Hozirlik — huzurlik

мактаб, 35 та МТМнинг 90—95 фоизи куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрган. Барчасида ўтин захираси жамғарилган. Сифхоналарда мавсумга тайёргарлик бурчаги ташкил этилиб, деразаларга қоплаш учун плёнка, скотч, пахта ҳозирланган. Хоналарга термометр илинган. Аммо асл ҳолатни ўрганганимизда тумандаги таълим муассасаларига 2017-2018 ўқув йилининг куз-қиш мавсуми учун 2282 тонна кўмир ажратиш режалаштирилган, 16 октябрь ҳолатига кўра, унинг 60 фоизи мактабларга етказилган, ҳолос.



ёқилгига қўшимча равишда 15600 тонна брикет ажратилди. Бугунги кунда 34860 тонна (85,2 фоиз) кўмир келтирилиб, таълим муассасаларига етказилди.

Бешариқ туманидаги 12-мактаб 2016 йили Инвестиция дастури асосида капитал таъмирдан чиқарилган. Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Дилфуза Қўшматов ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича қуйидагиларни гапириб берди:

— Мактабимизда 726 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларнинг 71 нафари Кўрғонча-2 маҳалласидаги филиалимизда ўқийди. Капитал таъмир давомиде деразалар пластик ромларга алмаштирилди. Мини қозонхона ўрнатилди. Режада 39,5 тонна кўмир олишимиз керак эди, ҳозирча 28830 кг келтирилди.

Бағдод тумани халқ таълими бўлими муҳандиси Илҳомжон Мелибоевнинг айтишича, тумандаги 55 та

Тумандаги 495 нафар ўқувчи билим олаётган 16-мактаб чекка ҳудудда жойлашган. Мактабнинг бир қаватли биноси 1964 йили, иккинчи биноси эса 1986 йили қурилган. Мактаб 2014 йилда жорий таъмирдан чиқарилган. Том қисми шиферланган, сифхона поли янгиланган. Учта минни қозонхона қурилган.

— Бугунги кунгача 18,5 тонна кўмир келтирилди, — дейди мактабнинг хўжалик ишлари мудир Зафаржон Юсупов. — Режада эса 50 тонна кўмир ажратилиши керак эди...

Сифхоналарни кўздан кечирганимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек эмаслиги ойдинлашди. Хароратни ўлчаш учун термометр илинмаган. Ромлар эски бўлгани учун пахта, деразаларга қоқиш учун плёнка ва скотчлар шайланмаган. Синиқ дераза ойналари алмаштирилмаган. Мактаб директори Шухратжон Рахимов бу камчиликлар сабабини изоҳлаб бера олмади. Қиш деразадан мўраламоқда. Аммо айрим мутасаддилар ҳамон бепарво. Уйлаймизки, улар тез кунларда юқоридеги камчиликларни бартараф этишади. Зеро, фарзандларимизнинг пухта билим олиши таълим муассасаларидаги шартшароитга боғлиқ.

Орифжон СИДДИҚОВ,
Шарифа
МАДРАХИМОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

Брикет кўмирдан қиммат: бир килограмм кўмир баҳоси 156 сўм 60 тиён, брикетнинг нархи 238 сўм. Шу кунгача туман халқ таълими муассасалари томонидан харид қилинган кўмир ва брикетнинг нархидаги тафовутни таҳлил қилсак, таълим муассасалари қанча зарар кўргани ойдинлашади.

мавсумида 90 тонна кўмирга эҳтиёжи бор. Бироқ айни кунгача 10 тонна брикет олинган, ҳолос. Гарчи икита “АЭС-150” ва икита “Универсал” қозон тахт ҳолга келтирилган бўлса-да, мактаб мутасаддилари хавотирда. Чунки бу қозонлар кўмир орқали иситилади. Агар белгиланган ёқилги етказиб берилмаса, барча ҳаракатлар самарасиз. Мактаб раҳбарияти қиш мавсумида фойдаланиш учун кўмир қулай бўлса-да, мажбуран брикет тарқатилмаётганидан норози бўлмоқда.

Найман қишлоғидаги 27-мактаб 7 та алоҳида кичик қозон орқали иситилади. Бу ўз навбатида 50 тонна ёқилгига эҳтиёж тудиради. Қиш эшик қоқайтган бўлишига қарамай, бу ерда ҳам белгиланган режа бажарилмаган. 20 тонна кўмир ва 23 тонна брикет захираси яратилган.

Кузатувимизни Тўрғусув қишлоғидаги 21-мактабгача таълим муассасасида давом эттирдик. Боғча мослаштирилган бинода жойлашган бўлиб, ташқи ва ички ҳолати ачинарли аҳволда. Мавсумга тарадуд доирасида айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси яратилган, ҳолос. Иситиш тизи-

Азизбек Жумабоев режадаги 45 тонна ёқилгининг 34 минг 720 килограмми жамғарилганини таъкидлади. Қолган 10 тонна ёқилги учун тавсия этилаётган брикетни мактаб маъмурияти олишни хоҳламапти.

— Брикет яхши ёнмаслигига ўтган йили гувоҳ бўлдик, — дейди Азизбек Жумабоев. — Кўмир каби иссиқлик бермайди. Бу йилги брикет эса умуман яроқсиз. Нам ҳолатда қолларга жойлангани ҳамда устма-уст тахлангани учун хозирданоқ уваланиб кетяпти...

Бу фикрни туман халқ таълими бўлими муҳандиси Фаррух Бойматов ҳам тасдиқлади.

— Кўмир табиий маҳсулот ҳисобланади, — дейди Фаррух Бойматов. — Бри-

Бағдод тумани халқ таълими бўлими муҳандиси

Илҳомжон Мелибоевнинг айтишича, тумандаги 55

та мактаб, 35 та МТМнинг 90-95 фоизи куз-

қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрган.

Барчасида ўтин захираси жамғарилган.

Сифхоналарда мавсумга тайёргарлик бур-

чаги ташкил этилиб, деразаларга қоплаш

учун плёнка, скотч, пахта ҳозирланган. Хона-

ларга термометр илинган. Аммо асл ҳолатни ўрганганимизда, тумандаги

таълим муассасаларига 2017-2018 ўқув йилининг куз-қиш мавсуми учун 2282

тонна кўмир ажратиш режалаштирилган, 16 октябрь ҳолатига кўра, унинг

60 фоизи мактабларга етказилган, ҳолос.



2017-yil 4-noyabr, № 88 (9049)

Ассалому алайкум, устоз!

Фурсат ўтишини қаранг! Куни кеча эди, журналистика ва адабиёт даргалари, ихлосмандлари даврасида 70 ёшга баҳонасида йиғилишиб, мозий ва бугунги давр матбуоти, адабиёти ҳақида фикрлашганимиз, диллашганимиз. Кечада биринчи бўлиб сўз олган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг куйидаги сўзлари ҳам бугун тарих бўлиб қолди:

«Бойбўта, менинг дўстим, укам. Унинг матбуотимиз тарихига оид китоби жуда катта заҳматлар эвазига дунёга келди. У нафақат яхши олим, балки яхши одам сифатида ҳам бебаҳодир. Биз эллик, олтинчи, етмиш ёшни тантана қилишга ўрганиб қолганмиз. Агар яхши одамларнинг юбилеи ҳам нишонланганда биринчилардан бўлиб Бойбўтани қутлаган бўлардик. Бундоқ иззат-хурматнинг бошқалар учун ҳам гоёат ибратли томонлари бор. Демак, кимдаки ҳалоллик, Худо берган истеъдод қаторида астойдил меҳнат, бағрикенглик, дилпарварлик бор экан, бундай одам, албатта, ўз муносиб баҳосини олиб, эл-юрти, ҳамкасблари ва шоғирдларининг эътирофига сазовор бўлгусидир».

Абдулла ака ҳақиқатни гапирганиди. Эл-юрт, ҳамкасбу шоғирдлар эътирофига сазовор инсонсиз, дўстсиз, устозсиз. Бугун ҳам журналистлар, уларнинг раҳбарлари эътиборидасиз. Тақдир такозоси билан талабаларга сабоқ бермаётган бўлсангизда, улар ҳам сизни устоз деб билдилар. Негаки, Ўзбекистон журналистикаси тарихини машаққатли меҳнатингиз, умрингизнинг салмоқли қисми эвазига дунёга келган китобингиздан ўқиб-ўрганмоқдалар.

Ўз фанига оид бетақдор дарслик яратган олий таълим муассасаси муаллимнинг обрўси ҳам ўзгача бўлишини юқорида таъкидлаганимиз — «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» (1-қисм. 1870-1917 йил ноябрь) дарслигингиз номён эъти. У мутахассисларда ҳам, талабаларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.


Журналистика тарихи бўйича яратилган мазкур илк дарслик фундаментал тадқиқот даражасида туради, негаки, у бирламчи манбаларнинг чуқур мутолааси асосида ёзилган. Дарсликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Айрим жиҳатларини эслагим келди. Аввало, шу мавзуда ўзингизгача ўрганган манбаларга эътибор билан ёндашганингиз, уларда йўл қўйилган хато ва камчиликларга тузатиш киритганингиз, мустабид шўро мафкураси босимида «яратилган» тарих нуқсонлари, сохталарини очиб берганингизни алоҳида таъкидлашни истардим.

Тарихини, хусусан, журналистика тарихини даврлаштиришда ўзига хос, тўри йўлни танлаганингиз, бунда бош мезон сифатида мустақиллик ҳодисасини олганингизни тарихчи олимларимиз ҳам тан олишди.

«1. Мустабидлик даври Ўзбекистон журналистикаси (1870 — 1991 йил 31 август)»
«2. Мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикаси (1991 йил 31 августдан кейинги йиллар)».

Бу даврларни ҳам муайян қисмларга бўлиш мумкинлигини таъкидларкансиз, «Россияда монархия ҳукмронлик қилган йиллар Ўзбекистон журналистикаси (1870 — 1917 йил февраль)» ва «Муваққат ҳукумат даврида Ўзбекистон журналистикаси (1917 йил март — 1917 йил ноябрь)» бўлимларини батафсил ёритдингиз. Демак, «қизил империя (шўролар) ҳукмронлиги йилларидаги Ўзбекистон журналистикаси (1917 йил ноябрь — 1991 йил 31 август)» ва «Мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикаси (1991 йил 31 августдан кейинги йиллар)» даврлари алоҳида тадқиқот объекти бўлади. Сизга Оллоҳдан саломатлик сўраб, китобларингизнинг

Олам тириклиги олим билан



қолган қисмларини ҳам ёзишингизни тилаймиз.

Неча йилдирким, 27 июнь журналистларнинг касб байрами сифатида нишонлаб келинаётим. Кўпчилигимиз бу сана «Тараққий» газетасининг 1-сонига чиққан кун эканлигини ҳам биламиз. Лекин «Тараққий»ни кимлар чиқарган, энг муҳими, муҳаррирининг боши узра мустақиллик ҳокимиятининг қолаверса, уларнинг малайкали — чаласавод маҳаллий қозмо муллаларнинг ойбонтаси осилиб турган бир пайтда бу газетада қандай мазмундаги мақолалар босилганидан ҳаммамиз ҳам хабардор эмасмиз. Ваҳоланки, цензура маҳкамасида газетанинг ҳар бир сони ўқилиб, фикрлар, сўзлар ўзгартирилиб, қисқартирилиб, чоп этишга рухсат берилган. Шундай бўлса-да, газета жамоаси озошлик гоёсини халққа тушунтиришга эришгани ва шу сабаб у кўп ўтмай ёпилганини айтиб, «Тараққий»нинг мазмун-мундарижасини шарҳлаш билан бирга, улардан кўчирмалар ҳам келтиргансизки, ушбу иқтибосларга таяниб толиби илм кўпгина саволларига жавоб топиши мумкин. Масалан, матбуот эркинлигининг ўша даврдаги ҳолати ҳақида нашр муҳаррири мақоласидан китобхонга ҳавола этган кўчирмани олайлик: «Ҳозирда ихтимом, калом, матбуот учун берилган хурриятлар тўшак устида озгига сув томизилиб турган оғир хастадек эканини тилсиз ва кўр табиблар ҳам тасдиқ этурлар». Бу фикрни чор цензоридан қандай қилиб ўтказишган экан-а, божжурналистлар?..

Бу каби биринчи манбалардан олинган ўзига хос, муҳим иқтибосларни жуда кўп бергансизки, китоб нафақат дарслик, балки хрестоматия ва зифасини ҳам бажармоқда. «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» йирик тадқиқот сифатида нафақат бўлажак журналистлар, балки тарихчилар учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда тарихчилар доктори, академик Ҳ.Бобобоевнинг фикрларини диққатимни тортиди. «Эрталаб китобхонам крес-

лосида ўтириб, ушбу дарсликни кўлимга олдим-да, нонуштагача бир варақлаб чиқай дедим. Қарангки, нонушта у ёқда турсин, қоронғу тушиб қолганини ҳам сезмай қолибман. Иккилаб қолдим — бу дарсликми ёки... биринчи ва рағини қайтадан очиб ўқиб кўрдим. Йўқ, ҳаммаси тўри, адашмабман: «Бойбўта Дўстқораев. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870-1917 йил ноябрь)». Дарслик. Фафур Фулом номидиги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент — 2009».

Наҳотки дарслик ҳам шунчалик қизиқarli ва тушунарли қилиб ёзилса?! Беҳтиёр бошқа дарсликлар кўз олдимга келди. Негадир талабалар уларни зўрга, мажбуран ўқийтгани ва тушунмасдан кўзлари уйқога кетаётгани намён бўлди... Афсус, афсус... лекин умидим катта ва ишончим ҳам бор — вақтлар келиб бошқа фанлардан ҳам шундай қизиқarli дарсликлар ёзиларди, бунга шубҳа қилмас ва бўлаверади.

Талабаларга дарс бераётганимга қирқ йилдан ошди, қолаверса, ўзим ҳам талаба бўлганман. Шунинг учун ҳам дарсликларнинг фарқига оз бўлса-да, борарман, деган фикрдиман. Ушбу дарслик фақат талабаларга эмас, балки тарихчи олимларга ҳам керак, деб ўйлайман. Негаки, ҳатто, баъзи тарихчилар докторлари ҳам мустамлака даврида чоп этилган газеталар ҳақида маълумотга эга эмаслар».

Тўғриси, академик олимизнинг бу фикрлари қалбимни ифтихорга тўлдирди. Сизнинг ҳақиқий маънода «итна-

билан кудук қазиниш» биз — шоғирдлар учун ибрат мактабидир. Шу ўринда «Маҳмуд-хўжа Бехбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти», «Чўлпон публицистикаси», «Ҳожи Муиннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти», «Ўзбек матбуотида истиқлол мавзуси», «Ойна» журнали тадқиқига бағишланган номзодлик диссертацияларининг раҳбарлигингизда ёқланганини айтиб ўтиш адолатдан бўлади назаримда.

Ёдингизда бўлса, бизнинг



Qadr

Баъзан ўйлиниб қоламан — ўша талотўп даврда сиз каби ўқитувчилар бўлмаганида мавжуд тарихий жараёни, юртининг умумий аҳолини англамасдан, тўрт томонга «демократия» байроғини кўтариб, бошқа кўчлар «яратган» турли оқимлар домига тушиб қолишимиз эҳтимол жуда юқори эди. Бунинг учун сиздан умр-бод миннатдоримиз, албатта.



Шу боис сафдош дўстингиз, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди ака Умировнинг сиз ҳақингиздаги фикрлари тўғри деб биламан: «Қирқ икки йил бирга ишлаб, кўриб кузатиб бирор марта унинг кимгадир овозини кўтариб қойиб гапирганини, биронинг дилини оғритганини эслай олмайман. Фикрчан, иқтидорли талабани қўллаб-қувватлайди, йўл-йўриқ беради, камчилигини қўрғанда ётиги билан, малол келмайдиган тарзда ўқтиради».

Ўзбекистон Миллий университетида сабоқларингизни олган бўлсам, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети очилганда узоқ йиллар бақамти ишладик. Деган ўринбосари, кафедра мудири ва албатта, кундалик дарслардан ортиб юқорида таъкидланган дарсликдан ташқари, Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон» китобини нашрга тайёрлаб, унга сўзбоши ва изоҳлар ёздингиз (1997), «Ўзбек танқидчилиги тарихи. 1917-1925 йиллар» (1989), «Фаргона журналистикаси» (2009) сингари ўнга яқин китобларингизни чоп эттирдингиз.

Юртимизнинг Биринчи Президенти фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлганингизда, нуфузли «Олтин қалам» миллий мукофотига лойиқ қўрилганингизда биз шоғирдларингиз ҳам бениҳоя хурсанд бўлдик.

Муҳтарам Устоз! Теъд соғайиб, яна кўплаб тадқиқотларингиз билан журналистиканинг илми ривожига ҳиссангизни қўшаверасиз, деган умиддамиз. Зеро, бугунги кунимизнинг, тобора мустақиллиб бораётган мустақиллигимизнинг ижтимоий-маданий, сиёсий ҳаётида одил журналистикага эҳтиёж янада ортиб бораверади.

Олам тириклиги олим билан, демишлар. Сиздек олимнинг қатордаги нордек сафимизда борлигиндан фخر туйиб,

шоғирдларингиз номидан

Ҳалим САИДОВ,
филология фанлари номзоди

Эгизаклар дунёсига саёҳат

кутилмаган сир-синоатларга тўла

Чақалоқ дунёга келиши ота-она учун катта қувонч. Агар қўшалоқ фарзанд кўришса, шодлик икки қарра ортади. Чиндан ҳам, эгизаклар туғилиши — табиат мўъжизаси. Бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшаш болалар феъл-атвори, руҳияти, хислатлари кўпчиликни қизиқтиради. Аммо шу ўринда, «Нега айрим эгизаклар ташқи кўринишидан бир-бирига ўхшамайди?», деган савол ҳам туғилади.

Қолаверса, эгизаклар бир-бирининг фикрини ўқий олиши, тақдир йўллари ўхшашлиги, уларни бир-биридан қандай фарқлаш мумкинлиги борасидаги саволлар тез-тез қулоққа чалинади. Ушбу мақолада шу каби саволларга жавоб изладиқ.

Биласизми, эгиз фарзанд туғилиши қадимдан фавкуллодда илоҳий ҳодиса дея баҳоланган экан. Ҳатто айрим халқлар ўз илоҳларини эгизаклар қиёфасида тасвирлайди. Афсоналарда улар ёвқур жангчи, давлат асосчиси, табиб кўринишида ҳам тасвирланади.

Америкалик ҳиндулар қабилаларида эгизаклар туғилса, улардан бири яхшилик, иккинчиси ёмонлик белгиси, деб ҳисобланган. Болалардан бири улгайиб катта бўлгач, қабиладан ҳайдалган.

Қадимги Мисрда эса турли жинсдаги эгизакларни насл тозаллигини сақлаб қолиш мақсадида оила қуришга мажбурлашган ҳолатлар ҳам қузатилган. Японияда эса эгизак туққан аёлни фарзандлари билан бирга қатл қилинган даврлар ҳам бўлган экан. Славянлар эгизакларнинг танаси икки-та бўлса ҳам, аслида уларнинг руҳи битта деб талқин қилишади.

Турли халқларда ҳар хил тасаввур ва қарашлар шакланганига қарамай, эгизакларнинг дунёга келиши Яраттанинг хоҳиш-иродаси эканини унутмаслик лозим.

“Эгизак” сўзи аслида “икки” деган маънони ағлатса ҳам, иккидан ортиқ туғилган зурриётлар ҳам эгизак деб аталади. Улар одатда икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. «Википедия» электрон энциклопедиясида келтирилишича, эгизаклар она организмда бир вақтда ривожланган икки ёки ундан ортиқ ҳомила бўлиб, уларнинг туғилишида ирсий омиллар катта аҳамиятга эга. Эгизаклар битта ёки икки-та тухумдан ривожланади. Баъзан тухум ҳужайралар учта, тўртта ядро тутса, уч-тўрт эгизак ривожланиши мумкин. Бир тухумдан ривожланадиган эгизаклар йўлдоши битта, уларнинг жинси фақат қиз ёки фақат ўғил болалар бўлиб, қон гуруҳлари ва ташқи қиёфа-

си ҳам бир-бирига жуда ўхшайди. Ҳатто энг яқин кишилари ҳам уларни аниқ ажрата олмайд.

Ҳар хил тухумдан ривожланадиган эгизаклар эса бир вақтда етилган ва алоҳида уруғлар билан оталанган икки ва ундан ортиқ тухум ҳужайрадан ҳосил бўлади. Йўлдоши алоҳида-алоҳида, бир ёки ҳар хил жинсли бўлиши мумкин. Ирсий жиҳатдан улар ака-ука, опа-сингил, ака-сингил, опа-укадек ўхшаш бўлиб, икки ва кўпроқ тухумлар бир вақтда етилгандагина пайдо бўлади.

Аёлларда 30 ёшга яқинлашганида эгизак фарзанд кўриш эҳтимоли кўпаяди. Маълумотларга кўра, чақалоқларнинг ҳар тўқсон нафардан бир жуфти эгизаклар экан. Қизиғи, эгизаклардан нимжонроғи биринчи бўлиб дунёга келади.

Эгизаклар одатда энгил вазн билан — ўртача 2,4 килограмм ат-

рофида туғилишади. Дунёдаги энг оғир эгизаклар АКШнинг Жанубий Каролина штатида дунёга келган. Уларнинг оғирлиги 12 килограмм 200 грамм бўлган.

Эгизаклар туғилишида жойнинг аҳамияти борми? Бунга аниқ жавоб йўқ. Статистик маълумотларга кўра, ўта ривожланган шаҳарларда эгизакларнинг туғилиши кескин камайиб кетган. Нигерияда эгизаклар туғилишининг энг юқори даражаси қайд этилган. Энг паст даража эса Хитойга тегишли. Қисқаси, эгизакларнинг туғилиши бугун иссиқ минтақалардан кўра, мўътадил иқлим шароитидаги давлатларда кўпроқ учрайди. Бу ҳудуддаги аҳолининг умумий овқатланиш рақими, дори воситалари ва айрим ирсий кўрсаткичлари билан белгиламоқда.

Умуман олганда, айна пайтда дунёнинг ҳар бурчагида 60 миллиондан ортиқ эгизаклар яшамоқда. Ҳиндистоннинг Кандаллур қишлоғи “Эгизаклар кўргони” номи билан дунёга машҳур.



Bilasizmi?

Боиси, ушбу қишлоқда етмиш эгизак яшайди. Уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Олимлар камдан-кам учрайдиган мазкур ҳодисанинг сабабини ҳануз аниқлай олганича йўқ. Ҳиндларнинг ўзи эса буни эгизак фарзандлари бўлган Рам худосининг иши деб ҳисоблайди...

Онанинг генетикаси эгизак фарзанд кўришда кўпроқ аҳамиятга эга. Аёлнинг ёши қанча катта бўлса, унинг эгизакли бўлиш эҳтимоли юқори бўлади. Гап шундаки, ёш катталашган сари организмда гормонлар кўпроқ ишлаб чиқарила бошлайди. Шунинг учун 35—39 ёшдаги аёлларнинг қўшалоқ фарзанд кўриш эҳтимоли кўпроқ.

Сўнгги йилларда генетика бўйича қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борган олимлар гуруҳи бир тухумдан пайдо бўлган эгизакларнинг геноми аслида бир-бирига ўхшамаслиги, генларда ўзига хос ирсий тафовут мавжудлигини аниқлади. Балки айрим эгизакларнинг ташқи кўриниши икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаса-да, қизиқиши, ҳаётий маслағи, ўзини тутиши сезиларли даражада фарқ қилишининг сабаби шундир?!

Олимлар бир тухумдан туғилган эгизаклар ҳар хил шароитда тарбияланган тақдирда ҳам одат, саломатлик борасида ўзгармаслигига амин бўлишди. Биринчи марта бундай тадқиқотни 1876 йили инглиз олими Ф.Гальтон ўтказган. 1922 йили АКШда туғилган ирсий тизими бир хил икки ҳафталик қизалоқлар алоҳида ва шароити ҳар хил бўлган оилаларга тарбиялаш учун берилди. Опа-сингиллар 18 ёшга киргач, илк бор учраштирилди. Уларнинг ақл-идроқи, қизиқишлари бир хил эди. Ҳатто бир хил китоблар ўқиси, бир пайтда сил касаллиги билан оғригани аён бўлди.

Демак, бир тухумдан бўлган эгизаклар бир-биридан деярли фарқ қилмас экан. Эгизаклар бир-бири билан она қорнидаёқ алоқа ўрнатади. Падуи уни-

верситетида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, эгиз гўдақлар 14 ҳафталик бўлган вақтда бир-бирига тегиша бошлайди. Тўрт ўлчамли ультра-сонография мосламасида олинган 3D-видеода 14 ҳафталик ҳомила бир-бирига қўл узатиб ҳаракатлангани тасвирга олинган. Болалар 18 ҳафталик бўлганида эса бир-бирига ўзидан кўра кўпроқ тегишади. Ҳатто имо-ишоралар билан сўзлашади.

Эгизаклар орасида ҳар бешинчиси чапақай бўларкан. Олимлар эгизаклардан айнан биттаси чапақай бўлишининг сабабини ҳалигача тўлиқ ўрганишгани йўқ. Мавжуд назарияга кўра, чапақайлик ҳам она қорнида шаклланади.

Яна бир қизиқ жиҳати шуки, эгизаклар орасида криптафазия ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлиб, Француз олими Э.Бенвенистининг “Умумий лингвистика” китобида келтирилишича, уларнинг 40 фоизи фақат ўзлари тушунадиган тилда сўзлашади.

Ҳақиқатан ҳам, баъзи эгизаклар ўз мулоқот воситасини «яратади». Улар чинакам тилни ўргангунга қадар ана шу нутқ моделини ишлатиб туришади. Эгизаклар кўп вақтни бирга ўтказиши ва кўп нутқ амалиётига эга бўлади. Бу тилни улар ҳақиқий тилни ўргангач, унуттишади. Эътибор билан қузатсангиз, ёши унчалик фарқ қилмайдиган ака-ука чақалоқлар ўзаро гаплашса, акиси укасининг гапини дарров илиб олиб, гўлдираганча жавоб қайтаради. Аммо уларни ўзларидан бошқа ҳеч ким тушунамайди.

Танасининг ранги турлича эгизаклар ҳам бўладими? Ишонинг қийин, лекин бир оилада шундай эгизаклар ҳам туғилиши мумкин экан. Бунга Лондон ғарбида яшовчи 6 ёшли Бобби ва Райли Жоржни мисол қилиш мумкин. Уларнинг онаси оқ танли Эбигейл Танг ҳамда отаси аралаш ирқ вакили Ричард Жорж. Эгизаклардан биринчиси — Боббининг танаси оқ, кўзлари қўқ. Райли эса қора танли, кўзлари ҳам жигарранг.

Эгизаклар 2011 йилнинг октябрида дунёга келган. Дастлаб улар бир хил кўринган. Ташқи кўринишидаги фарқлар 6 ҳафтада аста-секин кўзга ташлана бошлаган. Эгизакларнинг феъл-атвори ҳам турлича — Бобби улгайгани сари мустақил ва фаол болакайга айланаётган бўлса, Райли аксинча — камҳаракат ва эринчокдир.

Ниҳоят, сўнгги масала: эгизакларни қандай фарқлаш мумкин? Ахир уларнинг тахминан 25 фоизи қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшайди. Айримлари шу қадар ўхшашлигидан туққан оналари ҳам ажратишга қийналади. Ҳўш, уларни тўғри ажратиш учун нимага эътибор бериш керак?

Бундай пайтларда ота-оналар уларнинг киндигини кўздан кечирилади. Уларнинг киндиги бир-биридан фарқланади. Ёки кичкинтойларнинг бармоқ излари ҳам бир-бирига ўхшамайди.

Қисқаси, эгизаклар дунёси ҳали ўрганилмаган фан, тўла тадқиқ этилмаган олам, номаълум ғаройиботларга тўла дунё. Шу маънода, ушбу тилсим билан боғлиқ илмий ишлар, изланишлар ҳали узоқ давом этса, ажаб эмас.

Одина ҚУЛМУРОВА тайёрлади.



2017-yil 4-noyabr, № 88 (9049)

УЗОҚ ЯШАШ СИРИ НИМАДА?

Буёқ Британиянинг Эдинбург университети олимлари 50 ёшдан кўпроқ яшашнинг сирларини ўрганди. Маълум бўлишича, эркакларда бу ҳолат ёшлик генлари билан боғлиқ. Бироқ аёлларда узоқ умр кўришга таъсир этувчи генлар йўқ экан.



«Phys.org» сайтида хабар берилишича, кўпчилик репродуктив ўсишдан тўхтаган, узоқ яшамайди. Аммо инсон организмидаги узоқ йиллик мослашувчанликка доир алоҳида механизmlар унинг жуда ҳам кексайиши мумкинлигидан дарак беради. Бу ҳодиса инсонларнинг яшashi ва бутун ҳаёти давомида ишлашига кўмаклашувчи ёки кексалар тана аъзолари фаолиятини таъминлайдиган генлар туфайли содир бўлади.

Тадқиқотчилар Юта штатида 1950 йилгача яшаган кишилар ва уларнинг авлодлари орасидан танлаб олинган 1,5 миллиондан ортиқ инсон популяциясини таҳлил қилди. Жараёнда ДНКдан эркаклар ҳаётини узайтирувчи ёки фарзандларга таъсир кўрсатувчи далил топилмади. Демак, ҳамма гап балоғат ёшига етишга кўмаклашувчи генларда.

Мутахассисларнинг фикрича, ўтмишда ДНК мослашувчанликни ошириб, узоқ яшашга жавоб берган ва бунда генлар маълум аҳамиятга эга бўлган.

САРАТОН ПАЙДО БЎЛМАСИДАН ОҚ ЙЎҚОТИЛАДИ

Россиялик олимлар гуруҳи онкологик касалликларни у намойён бўлгунга қадар аниқлаш усулини топишга муваффақ бўлди, дея хабар берди «Лента» манбаси.

Этиборлиси, янги тадқиқот нафақат тиббиёт, балки математика соҳаси учун ҳам тегишли экан. Гап шундаки, ҳаёт давомида организмимизда ҳужайралар мутацияси узлуксиз содир бўлади. Бу мулақо нормал ҳолат. Бойси, организм ҳимоя тизими ўзгарувчан ҳужайраларни қийинчиликсиз «тутиб олиш» ва уларни саратонга айлангунига қадар йўқ қилиш хусусиятига эга. Баъзан шундай кескин вазиятлар бўладики, унда орга-



низм ҳужайраларни олиш ва йўқотишни тўхтатади.

Янги усул саратоннинг келиб чиқишига оид айнан мана шу фарзга асосланади. Мутахассислар олинган таҳлил натижалари асосида келажақда саратоннинг у ёки бу кўриниши билан касалланиш эҳтимолини ўрганди. Бу қўйилган ташхис саратон пайдо бўлишидан анча аввал уни даволашни бошлаш имконини беради. Шунингдек, ушбу тест кимё терапияси самарадорлигини ошириб, шифокорларнинг зарур ҳужайраларга янада аниқ таъсир кўрсатишини таъминлайди.



АКВАРИУМ — ИДЕНТИФИКАЦИЯ ВОСИТАСИ

Дубай аэропорти назорат тизимидан ҳар куни кўп сонли йўловчилар ўтказилади. Маъмуриятнинг маълум қилишича, 2020 йилга бориб бир йил давомида халқаро аэропорт 124 миллиондан ортиқ саёҳатчига хизмат кўрсатади. Бу эса назорат тизимини янгилаш фурсати етганини аниқлатади.

«Hi-news» нашрининг хабар қилишича, энди Дубай аэропортида саёҳатчилар вақтини тежаш, уларни ортиқча кутишлардан халос этиш мақсадида эски назорат ва текширув ўринлари олиб ташланиб, ҳар бир йўловчи учун идентификацион назорат тизими жорий этилади. Яъни, постдаги текширув ўрини инфрақизил нурули камералар билан жиҳозланган мовий тусли виртуал аквариум шаклидаги туннель эгаллайди. Виртуал аквариумда денгиз жонзотлари сузиб юрган тасвир акс этади. Мазкур қурилма меҳмонларни юзидан таниб олиш (идентификация қилиш) хусусиятига эга.

Мамлакат Ташқи ишлар вазири ўринбосари Обабай ал-Ҳамерийнинг таъкидлашича, тажрибали муҳандислар туннельда виртуал аквариумни қуриш гоёси устида узоқ бош қотиришган. Аэропорт меҳмонлари божиюнада текширувдан ўтаётган пайтда аквариумдаги ранго-ранг баликларга қарайди. Шу пайт уларнинг юз қиёфаси компьютер маълумотлар базасига киритилади ва ҳар бири тўғрисидаги шахсий маълумотлар батафсил акс этади.

Қурилмани аэропортга келаси ёзда ўрнатиш режалаштирилмоқда.
Одина КУЛМУРОВА,
Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.

Джалолав Музаффар Муҳитдиновичнинг 05.04.02 — Радиотехника, радионавигация, радиоокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобиль тола-оптик алоқа тизимлари ихтисосликлари бўйича “Статик — фазовий объектларни аниқлаш ва таниш мониторингида телевизион тасвирларга рақамли ишлов бериш тизими” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 15 ноябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 108-уй. Тел/факс: (0-371) 238-64-89, 238-64-15, 235-10-40; e-mail: info@toit.uz.

Зунунова Гулчехра Шавкатовнанинг 07.00.07 — Этнография, этнология ва антропология ихтисослиги бўйича “Тошкент ўзбекларининг моддий маданияти трансформацияси (XX аср — XXI аср бошлари)” мавзусидаги (тарих фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Тар.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 24 ноябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети. 1-қават, 110-хона. Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Пайзиев Шермаҳамат Далиевичнинг 01.04.11 — Лазер физикаси ихтисослиги бўйича “Қаттиқ жисми куёш нури билан ишлайдиган неодиим лазерлари” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. FM/Т.34.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 14 ноябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-Б уй, Физика-техника институти мажлислар зали. Тел/факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: lup@uzsci.net.

Нурмухамедова Наргиза Сайдиллаевнанинг 01.01.05 — Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика ихтисослиги бўйича “Ҳақиқатга ўхшашилик нисбати статистикаси учун асимптотик натижалар ва уларнинг баҳолаш назариясида қўлланилиши” мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. FM.01.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 16 ноябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Жабборов Насриддин Мирзоодиловичнинг 01.01.01 — Математик анализ ва 05.01.07 — “Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи ихтисосликлари бўйича “Икки фазага муҳитлари “А” аналитик функциялар асосида математик моделлаштириш” мавзусидаги физика-математика фанлари бўйича докторлик диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. FM.01.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил 16 ноябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси 4-сонли талабалар турар жойи бино бошлиғи Зарифа Айтбоевага падари бузруквори

СОБИРҲОЖ отанинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси 5-сонли талабалар турар жойи бино бошлиғи Навбахор Турдиевага укаси

ДАВРОН ТУРДИЕВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент шаҳридаги 163-умумий ўрта таълим мактаби педагогик жамоаси мактаб раҳбари Зафар Бозоровга падари бузруквори

КОРЕҒДИ отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Тил ва адабиёт таълими” кафедрасининг катта ўқитувчиси Мунира Ҳақимовага онаси

Захро ая АКРАМОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Бугун хавотиру ҳадик, иккиланиш, шубҳа-гумон, зеркиш, бифарқлик, иддао, кўркув бани одамнинг қон-қонига сингиб бораётир. Гўё соғ узвдек томирларга чирмашиб, шундоғам пажмурда кўнгилу руҳни мажруҳлаш, рандалаш билан андармон. Гоҳи бунинг бадали не бўларкин, деб кўрқиблар кетасан, мижжаларинга уйку инмайди. Бироқ қушуйку қароқларга малҳам бўлгучи неъматлар ҳам йўқ эмас. Кўнгилнинг аллақерида тангадек ёруғлик — илм, имон, маърифат милтиллаб турган бўлса, умидсизлик бефойда. Ҳаётимизга маънавият улашайтган «Маънавий ҳаёт» журналининг бу галги сониде ноқис олам сўроқларига жавоб изланади, тахмин-тусмолларга маънавият қалқон экани таъкидланади.



шарафли йўлида тўкиб баён этади. Давлат арбобининг халқ учун қилган фидокорона ишларини тўқинланиб сўзлайди.

Ўзимизни ўзимиз қуллик тамғаси остига итқитайганимиз, ўз хоҳишимиз билан қулларга хос муҳрим бўйнимизга илаётганимиз исботланган «Қуллик тамғаси остиде» мақоласида айни кунларда ёшлар, ҳатто катталар орасида урфа айланган «татуаж», «растушёвка», «ботокс», «пирсинг», «мезотерапия» отлиғ алламбало одатларнинг зарари ҳақида батафсил ёритилади. Ёшлар, мутахассислар фик-

шуки, ёзувчи китобни ўзининг катта ё кичик муддоси учун битади. Маҳоратиға қараб китоб яхши ё ёмон чиқади. Лекин биз ўқувчилар танлаб ўқишни, ёзувчи кўрсатган нарсалариниғана эмас, кўрган нарсаларни тушунишни ҳам ўргатишимиз зарур».

Ҳиндистон миллий озолиқ ҳаракатининг раҳнамоларидан Моҳандас Карамчанд (Маҳатма) Гандини танимаган, сатйаграҳа (санскритча «ҳақиқатга интилиш») — куч ишлатмасдан курашиш фалсафасини билмаган ўқувчи йўқдиров! «Ҳаётни ўзгартирган нутқлар» рукнида

Инсоният халоскори

«Онаи ким севмайди?!». Мактабда она тили муаллимимиз риторик сўроқ гапга мисол айтинг, деса шуни шартта айттардик. Энг осони, эсда қоладигани эди-да! Аммо вақт ўтиб, бу каломни шунчаки айтиб бўлмаслигини, баралла ҳайқириш андак сурбетлик, мақтанчоқликка дўниб кетишини тушундик. Илк саҳифаларидан «Онажон, сиз мендан оламн хавотир...» дея мушфиқаларни юпатган Қутлибека Раҳимбоева она кўзи билан юрт болаларининг иқболи, камолидан сўз очади. Улғаяётган ўғил-қизнинг ютуқ-зарари, дадил қадамини суюниб алқайди.

Икки-уч йил булун дунёга донги маълум интернет нашри Самарқандни «Инсон умри давомида ҳеч курси бир кўрса арзигулик» шаҳар деб эълон қилди. Этирофни эшитиб беҳад суюндик — «Қаранг, бизди гапираяпти. Бизди биларкан!» деб кўни-кўшига суюнчилади. Сўнг қиз-ўғлини қабатиға олиб, Самарқанд хабли бошиға тушиб, йўл тортганларнинг ҳисоби бўлмади. Икки йилда бир ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро фестивалиға айни шу шаҳар, кўҳна, навқирон Регистон саҳни танланиши беҳиз эмас. Масъуд Маҳмарайимовнинг фестивал баҳона Самарқанд дийдорини кўмсаб қилган сафарини ўқувчини боқий шаҳарға етаклайди.

Номи улугъ ёзувчининг «Дунёни гўзаллик кутқаради» деган ҳақиқати олдиға айни замонда «Дунёни маънавият кутқаради» каломи кўшилди. Саҳрода кўпган бўрондек туриштурмушимизға суқилиб қараётган мафкуравий таҳдид, тажовузу бўҳронлар шу ҳукми айтишға мажбур қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг августиде мамлакатимизнинг ижодкор зиёли вакиллари билан ўтган учрашувда адабиёт, санъат, маданият, маънавият, умуман, инсонни тарбиялайдиган илм эгаларига қарата айтган сўзларини таҳлил этган муаллиф ҳукми хулосада далиллади: «Бугун иккиланимай айтиш керакки, дунёни халокатдан маънавият кутқаради. Мамлакатимизда маданият ва санъат, маънавият соҳасида эзгу ишлар умуммиллий ҳаракатға айланиши учун аввал онгимизда, оиламизда эзгуликлар голиб келиши керак. Ана шунда инсон сифатидаги вазиғамизни удралаган бўламаиз».

Болага тарбия бериш чўққига эмаклаб чиқмоқданда мушкул. Агар ўз вақтида тўғри тарбия берилиб, равон йўл кўрсатилган бўлса — хўп-хўп, бироқ фурсат аллақачон бой берилган бўлса-чи? Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов билан суҳбатда оилада фарзанд тарбияси, яхши хулқ, ота-она масъулиятиға урғу кўйилиб, қалб ислоҳи ва эътиқод тўғри бўлиши учун илм, ҳикмат, маърифат зарурлиги таъкидланади.

Кузнинг ўйчан, вазмин табиасти сизға нималарни англатади? Ҳижрон, аламзадалик, айрилиқ, жавобсиз муҳаббат дардлариними? Менға кузнинг танни жунжиқтирувчи совуқ эпкинни Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирни эслатади. Қадамлар остиде бемажол инграётган, шитирлаётган ҳазон қатагон сиёсатининг қурбонига айланган ижодкорларнинг ингроқлари, сўтилаётган аламларидек эшитилади. «№ 00447нинг миллиолада кўрбонлари» мақоласида муаллиф беадад саволларнинг илдизи маҳфий ҳужжатлар тилға киргандағина топилишини

алам билан ёзади. Ўзбекининг энг олди фарзандлари тузум найранги, юхо замоннинг домида жувонмарг кетгани, нурға талпинаётган халқ кўллари, тили кесилганини хотирлаш жуда оғир. Бироқ ҳар куз келганида ўша машъум, қонли воқеалардан сўз очса, мозий саҳифаларини варақлаб турса, эсламаслик гуноҳ...

Бугунги кунларға етганимиз, қораланганлар оқланиб, ҳақ билан ноҳақ муносиб ажрим этилганиға суюнамаиз энди. «Чайладан тўлеминиорағача» бўлган йўлни босган халқимизнинг келажакка умиди зўрлиги, эртанги кунға ишончининг

риға таяниб, бу қилиқнинг ортиқчилиги, шарқона одоб-ахлоққа зидлигини уқтиради муаллиф. Ушбу иллатларимиздан дил озорланиб, кейинги саҳифаға ўтилгач, она табиад олдидаги муқаддас бурчимизни бажармаётганимиздан виждонимиз қийналади. Еримизнинг, она заминнинг хўшрўй чехрасини бузаётганимиз, ахлату чиқиндилар билан «тўйинтираётганимиз» ачинарли. Вақти келиб, ростманасиға «XXI асрнинг қўлбола тоғлари» қаршимизда қад кериб турса, ҳайратланиш шарт эмас. Экологик вазият таранглашган айни паллада

Маҳатма Гандининг 1916 йил 4 февралда, Банорас шаҳридаги Ҳинд университетининг очилиш маросимидаги нутқи жой олган. Ҳиндлар ўзи тақдири ва ўз юртининг эғаси бўлиши керак, деган гоёни мужасам этган нутқида Ганди ҳинд халқининг озолиққа чиқиш йўлларидаги тўсиқларни кўрсатади: «Тилимизда ўзимиз акс этамаиз, шундай экан, агар сиз нозик фикрларни аниқ ифодадалаш учун тилимиз ниҳоятда камбағаллик қилади, дейдиган бўлсангиз, очигини айтинг: бундан кўра ҳаммамиз битта қолмай қирилиб кетганимиз яхши эмасми?».

Илм-маърифат ўчоғи минг йил ўтса-да, ўчмайди. Буни тарих исботлаган. Эҳтимол босқин-осқинлар, сотқину илмфурушлар сабаб муайян муддат гулхан тафти пасаяр, бироқ тағтомири билан ўчиб, култепаға айланмайди. «Минг йилдан сўнг ёқилган гулхан» мақоласида гапни мозийдан бошлаган Иброҳим Саидов асрлар қучоғида гурқираган, сўнг чўғини келажакка қолдирган маърифат ўчоқларидан хабар беради. Галининг тафти Хоразм Мамун академиясининг бугунги қиёфасиға келгачина билинади. Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Абу Саҳл Масихийлардан қолган академиялар чироғини ёқиш, ўчоғини совутмаслик вазиғаси олимларимиз чекиға тушгани, уларнинг муносиб давомчи экани ўқувчини руҳлантиради.

Инсон олдида ҳамиша уч йўл кўндаланг туради: «Борса келар», «Борса хатар», «Борса келмас». Қай бирини танламоқ ўз илқимизда. Киғфимиздан босиб турган аянч қилиқларимизни четта итқиби, инсоний халоскори бўлиши — маънавият, илм йўлини танламоқлик ҳаммаға насиб этсин!

«Номи улугъ ёзувчининг «Дунёни гўзаллик кутқаради» деган ҳақиқати олдиға айни замонда «Дунёни маънавият кутқаради» каломи кўшилди».

заминнинг ифлосланиши, янада чиркин ботқоққа ботишиға кўмаклашаётган одамзоднинг фоҳиаси яқин қолмадимикан, дея хавотирланиши бошлаймиз...

Инсон ўзини ўрғана оладими? Қандай, қай усулда? Мактаби борми ўз-ўзини ўрғанишининг? Бор экан! Бўлганда ҳам ёнгинамизда — адабиёт ва санъат дарвоҳида экан! «Ўзимизни қандай ўрғанамаиз?» дея азалий сўроқдан сўз очган Мусулмон Намоз адиб Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» асаридан жавоб излашға тутинади. «Мутолаа вақтида» «Ўтмишдан эртақлар»ни кўлиға олган муаллиф ўқишдан муднао нелигини ёзувчи мақсади билан пайвандлаб бораверади. Муаллиф изоҳларини ўқишга, албатта, шу китобни ўқишға, ўқиган бўлсангиз, тақрор ўқишға эҳтиёж сезасиз. Муаллиф фикрларини хулосалайтиб:

«Айтмоқчи бўлган гапим

2017-yil 4-noyabr, № 88 (9049)

Шароит ва талаб хамоҳанг бўлса...

Спорт мактабидаги волейбол мусобақалари якунлангач, жажжигина қизалоқ мураббий ёнига келиб:

- Устоз, мен ҳам тўғаракка аъзо бўлмақчиман, — деди.
- Жуда яхши, волейболга қизиқасанми? — сўради мураббий.
- Албатта, мактабимизда, телевизорда волейбол ўйинларини мириқиб томоша қиламан. Энди ўзим ҳам ўрганмоқчиман.

Бир неча йил аввал волейбол тўғаракига катта ҳавас ва иштиёқ билан келган Паризод Тўрабекова қисқа фурсатда ўйинга киришиб кетди. Зарбдор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тажрибали мураббийи Шаҳноза Тангрикулова шогирдлари қатори унга ҳам волейбол сирларини ўргатди. Тўпни узатиш, қабул қилиб олиш, рақиб майдонига кучли зарб билан йўналтириш, зарб билан урилган тўпни енгил қайтариш каби мураккаб элементлар Паризоднинг хаёлини буткул банд этди. Натихада у дастлаб туман, вилоят миқёсидаги мусобақаларда терма жамоа сафида иштирок этиб, тажриба тўплади, ўзининг кучли зарбалари билан эътиборга ташди.

Спорт масканида яратилган шароит ва тажрибали устозлар кўмағида Паризод билан бирга волейболчи қизлардан ташкил топган жамоа мамлакатимиздаги энг кучли жамоалардан бирига айланди. Хусусан, Паризод Тўрабекова тенгдошлари билан

бирга 2015 йилги Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни қўлга киритган бўлса, 2017 йили фахрли 1-ўринни эгаллаб, мамлакат чемпиони деган юксак шарафга эришди. Шундан сўнг волейбол бўйича Ўзбекистон қизлар терма жамоасига жалб этилган моҳир спортчи қизимиз Хитойда ўтган Осий чемпионатида ҳам муваффақиятли катнашди. Қувонарли томони шундаки, Паризод Тўрабекова масъулияти урашувларда терма жамоамизни сардор сифатида майдонга бошлайди.

Бугун тумандаги кўплаб спортсевар болалар Паризодга ҳавас қилиб, спорт мактабига келишади. Улар фақат волейбол эмас, бадий гимнастика, кураш бўйича ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Жумладан, мактаб курашчилари орасидан шу пайтгача 5 нафар Ўзбекистон чемпиони етишиб чиқди. Улардан 13 нафари эса мамлакат терма жамоасига жалб этилган.

Бундай зафарли одимлар замирида жамоага бир неча йилдан бери раҳбарлик қилиб кел-



Bolalar sporti

лаётган бағрикенг, ишнинг кўзини биладиган, спорт фидойиси Равшан Суюндиковнинг хиссаси катта. Тажрибали мураббийнинг болалар спортини ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан юксак қадрланиб, "Эл-юрт хурмати" ордени ҳамда "Шуҳрат" медали билан тақдирлангани бежиз эмас.

— 2014 йили Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси томонидан янги спорт мажмуаси қуриб берилди, — дейди Зарбдор туманидаги БЎСМ раҳбари Равшан Суюндиков. — Бу билан ўқувчи-ёшлар ўртасида эркин кураш, волейбол, мини футболни оммалаштиришимизга ҳам шароит яратилди. Ҳозир мактабимизда 895 нафар тарбияланувчи спортнинг 11 тури билан шуғулланади. Уларга Жўрабек Қорабеков, Жалол Ашуров ва Сайёра Худойназарова каби малакали мураббийлар спорт сирларини ўргатапти.

Талаб ва шароит бир-бирига хамоҳанг жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Ана шундай масканлардан бирида спорт билан шуғулланаётган зарбдорлик ўқувчилар орасидан кўпгаб янги чемпионлар етишиб чиқшига ишонамиз.

Абдусаттор СОДИКОВ,
"Ma'rifat" мухбири



КУЧЛИЛАР ЎЗ ЎРНИДА

Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) нинг янги рейтингда норвегиялик гроссмейстер Магнус Карлсен 2826 очко билан етакчилик қилмоқда, дея хабар берди "ТАСС".

Бу борада иккинчи ўрин арменистонлик Левон Аронянга (2801) nasib қилган. Кучли учликни америкалик Фабиано Каруана якунлаб берган.

Хотин-қизлар ўртасида октябрь ойи рейтингда хитойлик Хоу Ифань (2680) 1-ўринни сақлаб қолди. Ундан кейинги поғоналарни украиналик Анна Музичук (2576) ва хитойлик Цзюй Вэньцзюнь (2567) эгаллади.

ТЎРТИНЧИ МУВАФФАҚИЯТ

Испаниялик тажрибали теннисчи Рафаэль Надаль Профессионал теннисчилар ассоциациясининг 2017 йилги мавсум якуний рейтингда 1-ўринда кўрсатилди.

АТР расмий сайтида ёзилишича, ушбу хабар Рафаэль Париж шаҳрида ўтказилаётган халқаро мусобақанинг иккинчи тур баҳсида Жанубий кореялик Хён Ченни маглуб этгач (7:5, 6:3) маълум қилинди.

Шу тариқа, 31 ёшли Надаль ўз фаолияти давомида тўртинчи марта мавсумни 1-ўринда якунлашга муваффақ бўлди. У бунга қадар 2008, 2010 ва 2013 йилларда мавсумни биринчи рақами ракеткачи сифатида якунлаганди.

БИР ЙИЛЛИК "ДЕВОР"

Кубалик оғир вазнли боксчи Луис Ортис Жаҳон бокс ассоциацияси (WBA) рейтингидаги ўрнидан ва 1 йил мобайнида профессионал рингга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

"Boxingscene" порталида келтирилишича, бунга боксчининг ташкилот 1 ой олдин билдирган допинг бўйича оғохлантирувга амал қилмагани ва таққиланган моддалардан тақоран фойдалангани сабаб бўлган. 38 ёшли спортчи октябрда ихтиёрий равишда допинг назоратидан ўтган. Ушанда таҳлиллар ижобий чиққанди.

Ортис шу пайтга қадар 27 марта жанг ўтказиб, барчасида зафар қучган ва 23 бора рақибларини нокаутга учратган. Яна иккита ғалабаси инобатта олинмаган.

"АРСЕНАЛ" КЕЙИНГИ БОСКИЧДА

Англиянинг "Арсенал" футбол клуби Европа лигаси мусобақасининг гуруҳ босқичи тўртинчи турида ўз уйида сербларнинг "Црвена Звезда" жамоасини қабул қилди ва дуранг (0:0) қайд этди.

"Спорт" нашрида келтирилишича, мазкур натижа Арсен Венгер шогирдлари учун муддатидан олдин плей-офф босқичига чиқиш учун етарли бўлди. "Н" гуруҳининг кейинги матчида немисларнинг "Кельн" клуби Беларуснинг "БАТЭ"сини енгиди (5:2).

Яқунда "Арсенал" 10 очко билан 1/16 финалига йўлланма олган бўлса, "Црвена Звезда" да 5, "БАТЭ" да 4 ва "Кельн" да 3 очко мавжуд.

ИЛК БОР КАТНАШАЁТГАНЛАР

Сочи шаҳрида самбо бўйича 9—13 ноябрь кунлари ўтказиладиган жаҳон чемпионатида илк марта Хитой, Миср, Кот-д'Ивуар, Сент-Люсия, Гонконг ва Бангладешдан ҳам полвонлар катнашади.

"ТАСС"да келтирилишича, мазкур турнир мамлакатлар қамрови жиҳатидан рекорд ўрнатади. Халқаро самбо федерацияси (FIAS) раҳбари Василий Шестаковнинг айтишича, мазкур нуфузли мусобақда дунёнинг 93 мамлакатидан 600 нафар самбочилар кураш олиб боради. Юқорида номи келтирилган давлатлардан ташқари, Сейшел ороллари, Тринидад ва Тобаго, Венесуэла, Тайвандан келган спортчилар ҳам таалайгина. Кураш "Айсберг" спорт аренасида ўтказилади.

3.ХОЛОВ тайёрлади.

Рағбат — муваффақият гарови

Дехқонobod туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида умидли спортчилар талайгина. Улар ҳар куни севиб, ошқиб қатнайибган спорт мажмуаси ўтган йили қуриб фойдаланишга топширилди. ҲУ ТИП асосида қад ростилаган масканида спорт билан шуғуланиш учун барча шароит яратилган.

Спорт мактабидаги мураббийларнинг ўғил-қизлар билан дўстона муносабати муваффақиятлар қалити бўлмақда. Ёш спортчилар спорт масканида ўз ихтидорини тўла намойён этишга интилади.

Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Анавар Тўлаев шулар ҳақида қувониб сўзларкан, бизни дастлаб футбол майдони сари бошлади. Яшил майдонга тўшалган чимни кўриб, завқланасиз, тўп тепгингиз келади.

— Бундай қулай шароитлар туфайли болалар мажмуамизга катта иштиёқ билан қатнаёпти, — дейди Аавар Тўлаев. — Мураббий Акмал Бозоров тарбиялаётган футболчиларимиз эришаётган натижалар фахрланас арзигулик. Улар яқинда Гузорда БЎСМ ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган вилоят миқёсидаги мусобақада 1-ўринни эгаллади. Туманимиз ҳокими Зойир Алиқуллов спорт мактабимизга келиб, ҳар бир ғолиб футболчини тақдирлагани ёшларга куч-қувват, илҳом бағишлагани шубҳасиз.

Бундан ташқари, Дехқонobodда кураш ихлосмандлари жуда кўплаб топилди. Бу ердан чиққан Кенжа полвоннинг ўзиёқ ҳар тарафга маълуму машур. Бугун унинг ортидан ўғли Манишер кураш тушаяпти. Манишер Мерганов кураш сирларини дастлаб отасидан ўрганган бўлса, айнаи кез мазкур спорт мактабида тарбияланмоқда. У яқинда Самарқанда бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида ўз вазн тоифасида 1-ўринни қўлга кириштиб, ота-онани ва устозлари ишончини оқлади. Ёки Акбар Бойалиевни олайлик. У шу йил

нинг февралда миллий кураш бўйича 2003-2004 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Жиззах шаҳрида ўтган Ўзбекистон чемпионатида 42 кг вазн тоифасида 1-ўринни эгаллади. Унинг тенгдоши Равшан Мусаев эса шу мусобақада 59 кг вазн тоифасида гиламга чиқиб, 3-ўринга сазовор бўлди.

Мактабда стол тенниси дарсларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, янги номлар кашф этилмоқда. Улар орасида ёш бўлишига қарамай, Чироқчида бўлиб ўтган "Ёш—2017" мусобақасининг вилоят босқичида ғолиб чиққан Асила Рўзиқуллова ҳам бор. У стол теннисини билан икки йилдан бери шуғулланади. Бошида анча қийналди. Лекин мураббийлар кўмағи ва ўз устида доимий ишлаши натижасида пинг-понг усулларини ўрганиб олди.

Дехқонobodлик ёшларнинг спорт сирларини пухта ўзлаштириши, юқори натижаларга эришишида мураббийларнинг ўрни катта, албатта. Жумладан, Хайитали Самадов, Назира Бердиева, Акмал Бозоров, Олим Ражабов ва Бунёд Отаёров каби тажрибали устозлар ўз шогирдлари келажакига асло бефарқ эмас.

— Спорт мактабимизнинг 14 нафар мураббийи айни пайтда футбол, волейбол, баскетбол, дзюдо, кураш, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича машғулотларни самарали олиб бормоқда. — дейди БЎСМ директори Шохрухжон Эргашев. — Ҳозир 756 нафар ўқувчи (245 нафари қизлар) белги-ланган режа асосида тўғаракларимизга қатнамоқда. Мавжуд имкониятларимиздан унумли фойдаланиш мақсадида яқин кунларда таэквондо, бадминтон, енгил атлетика ва оғир атлетика бўйича тўғараклар фаолиятини йўлга қўйишни режалаштираямиз. Шунда ҳам мураббийларимиз, ҳам тарбияланувчиларимиз сафи кенгаёди, мактаб нуфузи ошади.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Boshlang'ich ta'lim



Jurnalga obuna bo'lsangiz:

- boshlang'ich ta'lim sohasida yurtimiz va jahondagi so'nggi yangiliklardan xabar topasiz;
- ilg'or ta'lim uslublari, zamonaviy axborot texnologiyalarini darslarida qo'llayotgan boshlang'ich sinf o'qituvchilarining qiziqarli metodik va amaliy tajribalari bilan tanishasiz;
- pedagogik mahoratingizni takomillashtirish maqsadida mutaxassislar tavsiyalari va boshqa qimmatli ma'lumotlar orqali malakangizni oshirasiz hamda pedagogik xazinangizni boyitasiz;
- jurnal sahifalarida o'zingizning metodik materiallaringiz bilan ishtirok etish, boshlang'ich ta'lim sohasidagi kompetent shaxslarning munosabatini bilish imkoniyatiga ega bo'lasiz.



Hurmatli mushtariy! 2018-yil uchun obuna mavsumi davom etmoqda.

Obuna bo'lishga shoshiling!

Yakka tartibdagi obunachilar uchun nashr indeksi: **802**

Korxonalar va tashkilotlar uchun nashr indeksi: **803**

Manzil: 100000, Toshkent sh. Matbuotchilar-52.

Tel.: (0-371)233-72-28, 236-74-23.

E-mail: talim-uz@xtv.uz/Veb-sayt: bf-jurnal.uz

2018 йил учун обуна мавсуми бошланди
Республика миқёсидаги газета, журналларга обуна бўлинг!

Телефон: **237-09-54, 233-08-34;**
 e-mail: gayazova@post.uz;
 веб-сайт: www.pochta.uz

«Ўзбекистон почтаси» АЖ

Ma'rifat

ТА'СИС
 ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
 O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. F-1115. Tiraj 33822. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxonalar — 233-50-55;
 kotibiyat — 233-99-15;
 reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2030-4136



«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 00.35 Topshirildi — 02.10

MANZILIMIZ:
 100083, Toshkent shahri,
 Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
 Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
 Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
 Navbachi muharrir:
 Zohidjon XOLOV.
 Navbachi:
 Faxriddin RAHIMOV.

123 56